

## ҚАЙТАРИЛАДИГАН ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ № \_\_\_\_\_

Мазкур шартномада қуйидаги тушунча ва тавсифлардан фойдаланилади:

1. **Лизинг шартномаси** – лизинг бериш ҳақидаги шартнома. Банк (лизинг берувчи) лизинг шартномасида кўзда тутилган лизинг объектини тадбиркорлик субъектига (лизинг олувчи) лизинг шартлари асосида тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олган ҳамда тадбиркорлик субъекти лизинг тўловларини қайтариш мажбуриятини ўз зиммасига олган шартнома.
2. **Лизинг берувчи** — лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига келгусида топшириш мақсадида лизинг объектини мулк қилиб олувчи- банк;
3. **Лизинг олувчи** — лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун олаётган юридик шахс;
4. **Сотувчи** — лизинг олувчи;
5. **Лизинг субъектлари** — лизинг берувчи ҳамда лизинг олувчи.
6. **Лизинг объекти**-истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай ашёлар. (ер участкалари ва бошқа табиат объектлари бундан мустасно)
7. **Тараф ёки тарафлар** – шартномага мувофиқ банк (лизинг берувчи) ва лизинг олувчи.
8. **Хисобварағи** – лизинг берувчи томонидан лизингни амалга ошириладиган лизинг олувчининг банкдаги ссуда ҳисобварағи.
9. **Лизинг тўловлари** — лизинг берувчининг лизинг объектини олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки кўп қисми, шунингдек лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларининг лизингга олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизинг берувчи даромади йиғиндиси;
10. **Қайтариладиган лизинг** – лизинг муносабатларида лизинг объектини сотувчи ва лизинг олувчи сифатида бир шахснинг ўзи иштирок этадиган ҳоллар бўлиб, бунда лизинг объекти сотувчидан келгусида унинг ўзига лизинг асосида фойдаланиш учун бериш мақсадида сотиб олиниши кўзда тутилган лизинг амалиёти усули;
11. **Кўшимча лизинг** – лизинг олувчи лизинг берувчи олдида лизинг шартномаси юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган лизинг объектини лизинг берувчининг ёзма розилиги билан вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга кўшимча лизингга топширишни кўзда тутувчи лизинг амалиёти шакли.
12. **Лизинг объектининг хизмат муддати** — лизинг объектига қонун ҳужжатлари асосида амортизация ҳисобланадиган давр;
13. **Лизинг объектининг қиймати** — лизинг объектининг баҳоси ва уни етказиб бериш, фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар йиғиндиси;
14. **Махфий ахборот** – шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар.

| №         | Предмет/бўлим                   | Шартнома қондаси/зарур маълумот           |
|-----------|---------------------------------|---|
| <b>1.</b> | <b>ШАРТНОМА РЕКВИЗИТЛАРИ</b>    |   |
| 1.1.      | Шартнома имзоланган жой ва сана | Шартнома имзоланган жой: _____ сана _____ |

|           |  |  |
|-----------|--|--|
| <b>2.</b> | <b>МУҚАДДИМА</b>   |  |
| 2.1.      | Тарафлар ҳақида маълумотлар:<br><b>Банк (лизинг берувчи)</b> | Банкнинг тўлиқ номи _____<br>Лицензия (рақами ва санаси) _____ кунги № _____<br>Таъсис ҳужжатларига мувофиқ жойлашган жойи _____<br>Банк номидан иш кўриш ваколатига эга бўлган шахс (ФИШ, лавозими) _____<br>Ваколат берувчи ҳужжат (Устав/низом, ишончнома, сана ва/ёки рақами) _____<br>Алоқа учун телефон: _____   |
| 2.2.      | Тарафлар ҳақида маълумотлар:<br>Лизинг олувчи                | Юридик шахс номи _____<br>Давлат рўйхатидан ўтиш санаси “__” _____ 20__ йил<br>СТИР _____ х\р _____<br>Қарз олувчи номидан иш кўриш ваколатига эга бўлган шахс лавозими _____ ФИШ _____<br>Ваколат берувчи ҳужжат (низом, ишончнома, сана ва/ёки рақам). _____   |
| <b>3.</b> | <b>ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ</b>                                     |  |
| 3.1.      | Шартнома предмети  | Лизинг берувчи сотувчидан лизинг объектини мулкчилигига сотиб олиш ва уни лизинг олувчига тадбиркорлик мақсадлари учун вақтинчалик эгаллик қилиш ва фойдаланишга, мазкур шартнома билан белгиланган муддатга ва шартларда ҳақ эвазига қайтариладиган лизинг хизмати кўрсатиш орқали бериш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса мазкур шартномага мувофиқ лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.   |
| <b>4.</b> | <b>ТАСДИҚЛАШ ВА КАФОЛАТЛАР БЕРИШ</b>                         |  |
| 4.1.      | Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш: Лизинг олувчи                 | Лизинг олувчи юридик шахс –тадбиркорлик субъекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган/рўйхатдан ўтказилган, ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий лаёқатга эга.   |
| 4.2.      | Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш: Лизинг олувчи                 | Лизинг олувчи лизинг берувчига ариза, лизинг олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) прогнози кўрсатилган бизнес-режа, лизинг олувчининг тақдим қилган тегишли давлат солиқ инспекциясига охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл), янги ташкил этилган юридик шахслар бундан мустасно; таъминоти турларига оид ва зарур бошқа ҳужжатларни тақдим этди. Лизинг олувчи тақдим этилган маълумотларнинг ишончилиги ва ҳужжатларнинг нусхалари аслига тўғрилигини кафолатлайди. |
| 4.3.      | Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш: Лизинг олувчи                 | Лизинг олувчи мазкур шартнома тузилаётган санага қадар бўлган ва лизинг берувчи томонидан мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишига таъсир кўрсатувчи мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни лизинг берувчига тақдим этди.  |

|           |   |   |
|-----------|---|---|
| 4.4.      | Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш: Лизинг олувчи      | Лизинг олувчи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш имконини бермайдиган ва лизинг берувчига маълум қилмаган суд ишларида даъвогар, жавобгар ёки учинчи шахс сифатида иштирок этмайди.   |
| 4.5.      | Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш: Лизинг олувчи      | Шартнома тузаётган лизинг олувчи хато фикрлар, ёлғон, зўравонлик, таҳдидлар, ёмон ниятли келишув ёки оғир ҳолатларнинг тўғри келиб қолиши таъсирида эмас.   |
| 4.6.      | Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш: Лизинг олувчи      | Тасдиқлаш ва кафолатлар беришга лизинг олувчи тўлиқ ҳажмда амал қилиши лозим. Шартномада кўзда тутилган тасдиқлаш ва кафолатлар беришга амал қилинмаган ёки лозим даражада амал қилинмаган тақдирда лизинг берувчи лизинг олувчига кредит тақдим этишдан бош тортишга ҳақли.  |
| <b>5.</b> | <b>ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИ ВА УНИНГ ТАВСИФИ</b>            |   |
| 5.1.      | Лизинг объекти                                    | Лизинг объекти бўлиб лизинг олувчи билан келишилган куйидаги мулк ҳисобланади (кейинги ўринларда лизинг объекти): _____ (лизинг объектининг аниқ тавсифи, жумладан миқдори, сифати, лизинг объектининг умумий қиймати ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланувчи 1-сон иловага кўра бошқа кўрсаткичлари).   |
| 5.2.      | Лизинг объектини танлаш                           | Лизинг олувчининг топшириғига кўра лизинг объекти ўзидан сотиб олиниши ва ўзига қайта лизинга топшилиши керак.  |
| 5.3.      | Сотувчи   | Лизинг берувчи сотиб олинadиган мулкни лизинг олувчини ўзидан сотиб олаётганлиги учун лизинг олувчига лизингга бериш тўғрисида, сотувчини лизинг объектини сотиб олишдан олдин ёзма шаклда хабардор қилиш мажбуриятини олмайди.   |
| 5.4.      | Сотувчини огохлантириш                            | Лизинг объектининг олди-сотди шартномаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига асосан расмийлаштирилади.  |
| 5.5.      | Кўшимча харажатлар                                | Лизинг берувчи ва лизинг олувчи лизинг объектини олди-сотди шартномасига асосан сотиб олишдан ташқари, лизинг объектини топшириш, уни фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган ва лизинг объекти қийматига кўшиладиган харажатлар лизинг олувчи ҳисобидан қилинмаган тақдирда, ушбу харажатлар лизинг берувчи томонидан қилинади. Бунда қилинган харажатлар лизинг объекти лизинг қийматига кўшилади ҳамда лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига лизинг тўлови сифатида тўлаб борилади. |
| 5.6.      | Кўшимча харажатлар                                | Агар лизинг объекти транспорт воситаси бўлиб, лизинг олувчи номига расмийлаштириладиган бўлса, лизинг объектини олди-сотди шартномасига асосан сотиб олишдан ташқари барча харажатлар лизинг олувчи томонидан амалга оширилади. Лизинг берувчининг розилиги билан бу турдаги харажатлар лизинг берувчи томонидан амалга оширилса, харажатлар ссуда ҳисоб рақамига ўтказилгунга қадар лизинг олувчи томонидан қопланиши мумкин.  |
| <b>6.</b> | <b>ШАРТНОМА БАҲОСИ, МУДДАТИ ВА ЛИЗИНГ МУДДАТИ</b> |   |

|           |   |  |
|-----------|---|--|
| 6.1.      | Лизинг суммаси  | Ушбу шартноманинг умумий суммаси–лизинг берувчи томонидан амалга ошириладиган, лизинг объектини олди-сотди шартномасига асосан сотиб олиш ҳамда уни топшириш, фойдаланиш учун ярқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган ва лизинг объекти қийматига қўшиладиган харажатлар йиғиндисидан иборат бўлади.  |
| 6.2.      | Шартномани амал қилиш муддати                             | Шартнома тарафлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва томонлар шартномадаги барча мажбуриятларни тўлиқ бажариб булгунларига қадар амал қилади.  |
| 6.3.      | Лизинг муддати  | Лизинг берувчи лизинг объектини лизинг олувчига вақтинчалик эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун _____ ой муддатга беради. Лизинг муддати лизинг объектини қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб ҳисобланади.  |
| 6.4.      | Лизинг фоизлари   | Лизинг хизмати учун йиллик ____ (_____) фоиз миқдорида лизинг фоиз тўлови белгиланди.  |
| 6.5.      | Кўшимча таъминот  | Лойиҳанинг кўрсаткичлари, лизинг олувчининг молиявий ҳолати ҳамда лизинг объектининг турига қараб лизинг олувчидан объект қийматининг _____ фоиздан кам бўлмаган миқдорида кўшимча таъминот кўяди.   |
| 6.6.      | Шартномадан воз кечиш                                     | Шартнома тузилгандан сўнг лизинг берувчи томонидан лизинг объектини сотиб олиш учун мабағ ўтказилмаган бўлса, лизинг олувчининг ёзма мурожати билан мазкур шартномага кўшимча келишувга асосан бепул асосда шартнома бекор қилинади.   |
| <b>7.</b> | <b>ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИ ТОПШИРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШ</b> |  |
| 7.1.      | Лизинг объектини топшириш                                 | Лизинг олувчи лизинг берувчига ушбу шартноманинг 18.1.-бандида кўрсатилган ҳоллардан ташқари олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган лизинг объектини топшириш, унинг сифати ёки бутлиги масалалари бўйича бирор-бир талаб ёки даъво билдириш ҳуқуқига эга эмас.  |
| 7.2.      | Лизинг объектини топшириш                                 | Топшириш лизинг олувчи томонидан ушбу шартноманинг 14.2-бандида кўрсатилган мажбуриятлар бажарилган ҳолатда, лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчининг вакиллари томонидан имзоланадиган, ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган лизинг объектини қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида амалга оширилади. Лизинг олувчи лизинг объектини лизинг берувчи томонидан қабул қилиб олишини сўраган вақтдан бошлаб 10 кун муддатда объектни қабул қилиб олиши ҳамда лизинг олувчининг вакили қабул қилиш-топшириш далолатномасини имзолаши шарт. |
| 7.3.      | Лизинг объектини топшириш                                 | Лизинг объектини топшириш қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин лизинг объекти билан боғлиқ бўлган барча таваккалчиликлар лизинг олувчига ўтади.  |
| 7.4.      | Лизинг объектини топшириш муддати                         | Лизинг объектини монтаж қилиш ва фойдаланишга топшириш лизинг олувчи кучи ва маблағлари ҳисобидан лизинг объектини қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 30 кундан ошмаган муддатда амалга оширилади.   |

|           |  |   |
|-----------|--|---|
| 7.5.      | Лизинг объектини топшириш билан боғлиқ харажатлар              | Лизинг объектини қабул қилиш-топшириш жараёни билан боғлиқ бўлган барча харажатлар лизинг олувчи томонидан қопланади.   |
| <b>8.</b> | <b>ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИГА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ</b>                          |   |
| 8.1.      | Лизинг объектига эгалик ҳуқуқи                                 | Мазкур шартномада назарда тутилишича, лизинг берувчи лизинг объектини ўз ҳисобига сотиб олиб, унга эгалик қилиш ҳуқуқини кўлга киритади ва ушбу ҳуқуқ шартноманинг амал қилишининг бутун муддати мобайнида сақланиб қолади. Лизинг берувчи лизинг объектининг эгаси сифатида лизинг объектини қонунда белгиланган тартибда ўз ихтиёрича тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Лизинг объектига эгалик қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши ушбу шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлмайди. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати тугаганида, лизинг олувчи томонидан барча мажбуриятлар тўлиқ бажарилганда ҳамда сотиб олиш баҳоси тўлиқ тўланганда лизинг объектига эгалик қилиш ҳуқуқи лизинг олувчига ўтади. |
| 8.2.      | Лизинг объектини сақланиши                                     | Лизинг олувчи қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб лизинг объектини сақланиши учун жавобгарликни ва ўз ҳисобидан лизинг берувчининг унга бўлган эгалик қилиш ҳуқуқини учинчи шахсларнинг тажовузи ва талабидан ҳимоя қилиш, лизинг объектининг йўқолиши ва бузилиши олдини олиш бўйича зарурий чоралар кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.  |
| 8.3.      | Лизинг объектига эгалик қилиш ҳуқуқини ўтиши                   | Лизинг олувчи томонидан тўланмаган лизинг тўловларининг қолган (лизинг шартномаси муддати давомида олиниши режалаштирилган фоизлар) барча суммалари ва сотиб олиш нархи муддатидан олдин тўланган тақдирда, лизинг объектига эгалик қилиш ҳуқуқи ушбу шартномада келишилган тартибда лизинг олувчига ўтади.   |
| 8.4.      | Лизинг объектига эгалик қилиш ҳуқуқини ўтиши                   | Агар лизинг олувчи лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугагунга қадар барча лизинг тўловлари лизинг берувчининг лизинг шартномаси муддати тугагунга қадар қолган даврда оладиган даромади чегириб ташланган ҳолда тўланган тақдирда, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг шартномаси муддати тугагандан сўнг лизинг олувчига ўтказиб берилади.  |
| 8.5.      | Лизинг объектини расмийлаштириш                                | Лизинг объекти сотиб олинаётган вақтда фақат лизинг берувчининг номига расмийлаштирилади. Давлат органлари рўйхатдан ўтказилиши талаб этиладиган лизинг объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лизинг берувчининг номига расмийлаштирилиши мумкин.  |
| <b>9.</b> | <b>ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИНГ ЖОЙЛАШИШ ЖОЙИ ВА ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ</b> |   |
| 9.1.      | Лизинг объектининг жойлашиш жойи                               | Ушбу шартнома амал қилишининг бутун муддати мобайнида лизинг объектининг жойлашиш жойи бўлиб _____ (манзил) ҳисобланади. Лизинг объекти жойлашган жойининг ўзгаришига фақатгина лизинг  |

|      |  |   |
|------|--|---|
|      |  | берувчининг ёзма розилиги билан рухсат этилади. Ушбу мажбурият бузилган тақдирда, лизинг олувчи (ёки унинг вакиллари томонидан) лизинг берувчига бунинг оқибатида лизинг объектининг жойлашган жойини белгилаш жараёнида етказилган барча ҳаражатларни уларни қоплаш ҳақидаги талабнома олинган пайтдан бошлаб 5 кун ичида қоплаб бериши шарт.  |
| 9.2. | Лизинг объектини сақлаш ва фойдаланиш шартлари | Лизинг олувчи лизинг объектдан фойдаланиш учун барча зарур бўлган рўйхатдан ўтказиш, лицензиялаш ва бошқа талабларни ўз ҳисобидан бажариш, давлат ва бошқа вақолатли бошқарув органларининг тартибга солувчи барча қоидалари ва йўриқномаларига, шунингдек лизинг муддати вақтида амал қилувчи ҳамда лизинг объектини сақлаш, фойдаланиш, тутиб туриш ва қайтариш билан боғлиқ бўлган маҳаллий ҳокимият органларининг қонун ҳужжатлари, қоидалари ва қарорларига итоат этиш мажбуриятини олади.   |
| 9.3. | Лизинг объектини сақлаш ва фойдаланиш шартлари | Лизинг объектининг ерга ва ўзига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлмаган механизмлар билан тутиб турувчи, бошқа кўчмас мулкка бириктирилишига фақатгина лизинг берувчининг ёзма розилиги билан рухсат берилади, техника хавфсизлиги ва мулкдан фойдаланиш қоидалари талабларида назарда тутилган технологик зарурий бириктиришлар бундан мустасно.  |
| 9.4. | Лизинг олувчининг мажбуриятлари                | а) Лизинг объектдан унинг белгиланган вазифасига қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланиш;<br>б) Тайёрловчи корхонанинг тегишли стандартлари, техник шартлари, техник фойдаланиш қоидалари ва йўриқномасига риоя қилиш;<br>с) Лизинг объектини ишга яроқли ҳолатда сақлаш;<br>д) Лизинг объектининг ҳолатини мунтазам текшириб туриш;<br>е) Лизинг объектини тегишли ҳолатда сақлаб туриш ва агарда лизинг берувчи билан келишувда бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, барча бузилган қисмларни тайёрловчи ёки сотувчи томонидан етказиб берилган ёки тавсия қилинган қисмлар билан алмаштириш. Кўрсатилган шартлар бажарилмаган тақдирда, лизинг берувчи лизинг объектини ўз кучи билан ва ўз ҳисобидан таъмирлаш ҳуқуқига эга, лизинг олувчи эса таъмирлаш билан боғлиқ барча ҳаражатларни унга қоплаб бериш мажбуриятини олади. |
| 9.5. | Лизинг объектини сақлаш ва фойдаланиш шартлари | Лизинг олувчи лизинг объектини ишга яроқли ҳолатда сақлаши, ўз ҳисобидан капитал ва жорий таъмирлаши, шунингдек лизинг объектини тутиб туриш бўйича ҳаражатларни амалга ошириши шарт.   |
| 9.6. | Лизинг объектини сақлаш ва фойдаланиш шартлари | Лизинг объектини капитал таъмирлаш лизинг олувчи томонидан лизинг объектини қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 6-ойдан кечиктирмай амалга оширилиши керак. Капитал таъмирлашни амалга оширишни кечиктириб бўлмайдиган (шошилиш) зурурият юзага келган   |

|            |  |  |
|------------|--|--|
|            |  | тақдирда, лизинг олувчи бундай зарурат юзага келган пайтдан бошлаб 15 суткадан кечиктирмай уни амалга ошириш мажбуриятини олади.   |
| <b>10.</b> | <b>ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР</b>               |  |
| 10.1.      | Лизинг объектига ўзгартиришлар киритиш             | Лизинг олувчи лизинг берувчининг розилигисиз лизинг объектидан бирор-бир зарар етказмаган ҳолда ажратиб бўладиган лизинг объекти қисмини яхшилаш ҳуқуқига эга. Лизинг олувчи томонидан амалга оширилган лизинг объектидан ажратиб бўладиган яхшиланиш лизинг олувчининг мулки ҳисобланади.   |
| 10.2.      | Лизинг объектига ўзгартиришлар киритиш             | Лизинг олувчи лизинг объектидан ажратиб олиб бўлмайдиган яхшиланишини фақатгина лизинг берувчининг ёзма розилиги билан амалга ошириш ҳуқуқига эга. Агар лизинг олувчи лизинг берувчининг олдиндан ёзма розилигисиз лизинг объектини ажратиб олиб бўлмайдиган яхшиланишини амалга оширса, лизинг олувчи лизинг берувчининг биринчи талабига кўра амалга оширилган ўзгартиришларни ўз ҳисобидан йўқотиши ва лизинг объектини дастлабки ҳолатига тиклаши керак. |
| 10.3.      | Лизинг объектига ўзгартиришлар киритиш             | Ушбу шартноманинг 20.3-бандида кўзда тутилган асосларга кўра шартнома муддатидан олдин бекор қилинган ва лизинг объекти лизинг берувчига қайтарилган тақдирда, лизинг олувчининг қарзи лизинг берувчининг розилиги билан амалга оширилган лизинг объектини ажратиб бўлмайдиган яхшиланиш қиймати суммасига камайтирилади.  |
| 10.4.      | Лизинг объектига ўзгартиришлар киритиш             | Лизинг олувчи лизинг объектига қилиниши мумкин бўлган барча ўзгартиришлар ёки қўшимчалар унинг ишлаб чиқувчиси йўриқномасига мувофиқ амалга ошириши керак.   |
| 10.5.      | Лизинг объекти билан боғлиқ бошқа харажатлар       | Лизинг олувчи лизинг объектидан фойдаланиш даврида лизинг объектига барча харажатларни (комунал тўловлар, барча турдаги солиқлар ва бошқа барча харажатлар) ўз ҳисобидан амалга оширади, агарда ушбу харажатлар лизинг берувчи томонидан амалга оширилса 3 кун ичида тўлаб бериш мажбуриятини олади.   |
| 10.6.      | Лизинг объекти билан боғлиқ солиқлар               | Лизинг объекти кўчмас мулк бўлганда, лизинг объектидан фойдаланиш даврида лизинг объектига нисбатан солиқлар ҳисобланиб, солиқлар лизинг берувчи томонидан тўланган тақдирда, лизинг олувчи мазкур солиқларни лизинг берувчига тўлаб беради ва буни қафолатлайди.  |
| 10.7.      | Лизинг объекти билан боғлиқ ер солиғи              | Лизинг объекти кўчмас мулк бўлганда, лизинг объектидан фойдаланиш даврида лизинг объектига бириктирилган ер солиғи лизинг олувчи ҳисобидан амалга оширилади.   |
| <b>11.</b> | <b>МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ, НАЗОРАТ ҚИЛИШ</b>    |  |
| 11.1.      | Лизинг олувчи томонидан маълумотларни тақдим қилиш | Лизинг олувчи лизинг берувчининг талабига кўра бутун лизинг муддати мобайнида ўзининг молиявий аҳволи тўғрисида, шунингдек шартнома объектига алоқадор бўлган учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлари тўғрисида маълумотларни тақдим этиши шарт. Лизинг олувчи ҳар қандай вақтда лизинг   |

|            |   |  |
|------------|---|--|
|            |   | берувчининг талабига кўра унга ўзининг иқтисодий ҳолати, лизинг тўловларини тўлаш истикболлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек лизинг олувчи томонидан лизинг объектига эгаллик қилиш ва фойдаланиш билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган бошқа маълумотларни тақдим қилиши шарт. Лизинг олувчи талаб қилинадиган маълумотларни лизинг берувчига тегишли сўров олинган пайтдан бошлаб 15 календарь куни ичида тақдим қилиш мажбуриятини олади.   |
| 11.2.      | Лизинг объектини мониторинг қилиш   | Лизинг берувчи лизинг олувчи корхонасида ўрнатилган иш вақти мобайнида лизинг берувчи томонидан белгиланадиган шакл бўйича лизинг олувчининг лизинг объектдан қай тарзда фойдаланаётганлигини текшириш ҳуқуқига эга. Текшириш жараёнида лизинг олувчи лизинг берувчига лизинг олувчи томонидан ушбу шартноманинг шартлари тегишли равишда бажарилаётганлигини назорат қилиш мақсадида ёки лизинг олувчининг ушбу шартномага кўра ўз мажбуриятларини тегишли равишда бажариш имконини баҳолаш мақсадида сўралаётган ҳар қандай зарур бўлган ҳақиқий маълумотлар, бухгалтерия, молиявий ва бошқа ҳужжатлар ёки ҳисоботларни тақдим этиши шарт. |
| 11.3.      | Лизинг объектини мониторинг қилиш   | Лизинг олувчи мақсадли текшириш ўтказиш ва лизинг объектининг ҳолатини баҳолаш учун лизинг берувчининг ходимларини ёрдамчи, ишлаб чиқариш, омбор ва бошқа биноларига киритиш мажбуриятини олади.   |
| 11.4.      | Лизинг олувчи томонидан маълумотларни тақдим қилиш                            | Лизинг олувчи ўз ташаббуси билан ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришига муҳим таъсир кўрсатадиган ёки лозим даражада бажаришига таҳдид соладиган барча ҳолатлар тўғрисида лизинг берувчига кечиктирмай хабар бериши шарт.  |
| 11.5.      | Лизинг олувчини мониторинг қилиш  | Лизинг берувчи шартнома амал қилиши давомида лизинг олувчининг молиявий аҳволи, лизинг объектининг жойлашган жойи ва ҳолатини текшириш ва лизинг олувчи томонидан ўзига олинган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳуқуқига эга.  |
| 11.6.      | Лизинг олувчини мониторинг қилиш  | Лизинг берувчи лизинг олувчининг ҳужжатлари ва лизинг объектининг текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга.  |
| 11.7.      | Лизинг олувчи томонидан маълумотларни тақдим қилиш                            | Лизинг олувчи ўз муассислари (иштирокчилари) нинг ўтказилиши режалаштирилаётган умумий йиғилишлари ҳақида, бундай йиғилишнинг кун тартибини тақдим этган ҳолда лизинг берувчини ёзма равишда хабардор қилиши, шунингдек лизинг берувчининг вакилларини бундай йиғилишларга киритишга мажбур.   |
| <b>12.</b> | <b>ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ УШБУ ШАРТНОМА БЎЙИЧА УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА ЎТИШИ</b> |  |
| 12.1.      | Лизинг берувчининг ҳуқуқларини  | Ушбу шартнома асосида лизинг берувчига тегишли бўлган ҳуқуқлар (талаблар) учинчи шахсларга ҳам тўлиқ, ҳам қисман берилиши мумкин. Бундай ҳолатда лизинг берувчи лизинг   |



|            |   |   |
|------------|---|---|
|            | учинчи шахсларга ўтиши  | олувчини ҳуқуқлар (талаблар)нинг ўтганлиги ҳақида кечиктирмай хабардор қилиш мажбуриятини олади.  |
| 12.2.      | Лизинг олувчи қўйидаги ҳуқуқларига эга эмас   | а) Лизинг объектини сотиш ва уни йўқотишга қаратилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;<br>б) Лизинг объектини хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав капиталига улуш сифатида киритиш;<br>с) Лизинг объектини оддий шерикчилик (биргаликдаги фаолият) иштирокчисининг улуши (ҳиссаси) сифатида киритиш;<br>d) лизинг объектини гаровга бериш.  |
| 12.3.      | Лизинг объектини қўшимча лизингга бериш   | Лизинг олувчи лизинг берувчининг олдиндан ёзма равишдаги розилигисиз лизинг объектини қўшимча лизинг, ижарага ёки бошқа ҳуқуқларга асосан бериш ҳуқуқига эга эмас. Қўшимча лизинг шартномасининг ҳеч бир қоидаси лизинг берувчининг ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва манфаатларини чеклаб қўя олмайди.   |
| 12.4.      | Лизинг олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш                                     | Лизинг олувчи ушбу шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ёки ундан келиб чиқадиган бирор-бир манфаатларини лизинг берувчининг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.  |
| <b>13.</b> | <b>ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИНГ ТАСОДИФИЙ ЙЎҚ БЎЛИШ ТАВАККАЛЧИЛИГИ, УНИНГ ЙЎҚОЛИШИ ЁКИ БУЗИЛИШ ОҚИБАТЛАРИ</b> |   |
| 13.1.      | Лизинг объектининг тасодифий йўқ бўлиши   | Лизинг объектининг тасодифий йўқ бўлиш ва бузилиш таваккалчилиги лизинг объектини қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайдан бошлаб лизинг олувчига ўтади.  |
| 13.2.      | Лизинг объектини бузилиши   | Лизинг объекти бузилган тақдирда, лизинг олувчи ўз ҳисобидан лизинг объектини дарҳол тиклаши ва уни ишга яроқли ҳолатда тутиб туриши шарт. Бунда ушбу шартнома ўзгаришсиз қолади, лизинг олувчи эса ушбу шартномада назарда тутилган тартибда ва муддатда лизинг тўловларини тўлашни давом эттиради.  |
| 13.3.      | Лизинг объектининг йўқолиши, бузилиши, ўғирланиши   | Лизинг объектининг йўқолиши, бузилиши, ўғирланиши ёки лизинг объектининг ўз функциясини йўқотиши ҳолларида ёхуд, агар лизинг объекти лизинг олувчи жавоб бермайдиган ҳоллар оқибатида фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиши ҳолларида лизинг олувчи ушбу шартномага мувофиқ лизинг берувчига тўлаши лозим бўлган лизинг тўловлари суммаси ва юқорида кўрсатилган ҳоллар юзага келган пайтда амалга оширилган ҳаражатлар суммаси ўртасидаги фарқни лизинг берувчига кечиктирмай ўтказиб бериши керак. |
| 13.4.      | Лизинг объектининг йўқолиши, бузилиши, ўғирланиши   | Ушбу бўлимнинг қоидалари мазкур шартноманин 13.3-бандида кўрсатилган ҳолатлар лизинг берувчининг айбли ҳаракатлари ва ҳаракатсизликлари натижасида содир бўлган тақдирда тадбиқ этилмайди.  |

|            |   |   |
|------------|---|---|
| <b>14.</b> | <b>ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИ СУҒУРТАЛАШ</b>                            |   |
| 14.1.      | Лизинг объектини суғурталаш                                   | Лизинг объекти қуйидаги таваккалчиликлардан суғурталанган бўлиши керак: йўқотиш, бузилиш, ҳалок бўлиш, талофот, ўғирлаш, ишдан чиқиш, муддатидан олдин эскириш таваккалчилиги. Суғурта шартномаси 3 кун муддатда тузилиши керак.  |
| 14.2.      | Лизинг объектини суғурталаш                                   | Лизинг объектини суғурталаш лизинг олувчи томонидан амалга оширилади. Лизинг объектини суғурталаш шартномаси бўйича суғурта мукофатини олувчи лизинг берувчи бўлиши керак ва суғурталаш шартномасининг барча шартлари у билан олдиндан келишиб олинishi керак. Суғурта полиси (суғурта полиси нусхаси) лизинг объектини қабул қилиш-топшириш далолатномасини имзолаш пайтида лизинг берувчига топширилиши керак. Суғурта пулининг барча суммаси тўланганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжат лизинг объектини қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 3 суткадан кечиктирмай лизинг берувчига тақдим этилиши керак. |
| 14.3.      | Лизинг объектини суғурталаш муддати                           | Суғурта шартномаси ушбу лизинг шартномасининг амал қилишининг бутун муддати давомида амал қилади.   |
| 14.4.      | Суғурта ходиса(лар)и  | Суғурта ходиса(лар)и юзага келганда тўланадиган барча суммаларни лизинг берувчи олади. Лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига, лизинг объектининг ҳалокатга учраши ёки бузилиши натижасида юзага келган зарарининг ўз ҳисобидан қопланиши, неустойка ва фоизларнинг тўланиши ҳолатларида кўрсатилган сумма, лизинг берувчи томонидан олинган суғурта тўловлари суммаси ва кўрилган зарар қиймати ўртасидаги ижобий фарқ лизинг берувчининг ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказилган пайтдан бошлаб 10 суткадан кечиктирмай лизинг олувчининг ҳисоб рақамига ўтказилади.   |
| 14.5.      | Суғурта ходиса(лар)и  | Суғурта шартномаси бўйича олинган пул маблағларининг етарлича эмаслиги лизинг олувчидан ушбу шартномада назарда тутилган лизинг тўловлари, неустойка ва зарарларни тўлиқ қоплаш учун зарур бўлган суммани ундириш учун далил бўлиб ҳисобланади.   |
| 14.6.      | Суғурта шартномаси бекор қилиниши                             | Суғурта шартномаси бекор қилинган, тугатилган ёки лизинг объектининг умумий қийматининг қопланмаган қисми мавжуд бўлиши шarti билан лизинг объектининг суғурта ҳимояси йўқотилган тақдирда, лизинг олувчи бундай бекор қилиниш, тугатилиш ёки бундай йўқотилиш пайтидан 5 кун ичида лизинг объектининг – ушбу шартноманинг 14.1 бандида кўрсатилган суғурта ходисаларидан, 14.2-бандида кўрсатилган шартларда суғурта ҳимоясини янгида таъминлаши ва лизинг объектининг суғурталанганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхасини лизинг берувчига 5 кун ичида тақдим этиши шарт.  |
| <b>15.</b> | <b>ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ</b> |   |

|       |   |  |
|-------|---|--|
| 15.1. | Лизинг олувчининг мажбуриятлари                           | Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловлари ёки ушбу шартномага мувофиқ лизинг берувчига тўланиши лозим бўлган бошқа пул маблағлари (пеня, жарима ва бошқалар)ни тўлаш кечиктирилган тақдирда, лизинг берувчи лизинг олувчининг ҳисоб рақамига хизмат кўрсатувчи ҳар қандай банкдаги лизинг олувчининг ҳисоб рақамидан пул маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга.  |
| 15.2. | Лизинг олувчининг маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқариш | Лизинг олувчининг маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқариш Ўзбекистон Республикаси банкида хизмат кўрсатиладиган лизинг олувчининг ҳисоб рақамларига акцептсиз тўлов талабини қўйиш йўли билан амалга оширилади.  |
| 15.3. | Лизинг олувчининг маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқариш | Лизинг олувчи ўзига хизмат кўрсатувчи банкга ушбу шартнома бўйича қарзларни тўлаш мақсадида лизинг берувчининг топшириғи ва тўлов талабномаларини сўзсиз бажариш ваколатини топширади.   |
| 15.4. | Лизинг олувчининг маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқариш | Ушбу модда қоидаларини амалга ошириш мақсадида тарафлар лизинг олувчига хизмат кўрсатувчи банк иштирокида қўшимча шартнома тузиш ҳуқуқига эгалар. Унга кўра ушбу модданинг 15.1-бандида белгиланган ҳолларда лизинг берувчи лизинг олувчининг ҳисобварағи (ҳисобварақлари)дан пул маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга.  |
| 15.5. | Лизинг олувчининг банкда ҳисобварақ очиши                 | Лизинг берувчи томонидан лизинг олувчининг барча банк ҳисобварақлари шартномасининг мазкур 12-бўлимда кўрсатилган шартларига риоя қилиш бўйича мажбуриятларини бажариши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида, банк ҳисобварағи шартномаси тузилган ёки тузиб бўлинган банк ҳисобварағи шартномасига шартнома тузилган санадан кейин ўзгартириш киритилган ҳолларда, шунингдек ҳар қандай банк ҳисобварағи шартномасининг амал қилиши бекор қилинган (тугатилган) ҳолларда лизинг олувчи кўрсатилган ҳолатлар юзага келган пайтдан бошлаб 5 кун ичида лизинг берувчини содир бўлган ҳолатлар ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши ва тузилган банк ҳисобварағи шартномаси ёки ўзгартириш киритиш ҳақидаги келишув ёхуд бекор қилиш ҳақидаги келишувнинг тасдиқланган нусхасини тақдим этиши шарт. |
| 15.6. | Қўшимча таъминот  | Ушбу шартномага мувофиқ лизинг олувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг лозим даражада бирор бир гаров тури билан таъминланган бўлишини бажарилиши:<br>а) Гаров (кучар ёки кўчмас мулк)<br>б) Учинчи шахлар кафиллиги;<br>с) Кафолат хати билан таъминланган бўлиши керак.   |
| 15.7. | Қўшимча таъминот  | Ушбу шартнома шартларига мувофиқ пул мажбуриятларини бажариш таъминотини тақдим этиш бўйича лизинг олувчининг мажбуриятлари ушбу шартнома кучга кирган пайтдан бошлаб 1 (бир) кун ичида бажарилган бўлиши керак.   |

|            |   |  |
|------------|---|--|
| 15.8.      | Кўшимча таъминот  | Лизинг олувчининг ушбу шартноманинг шартлари билан белгиланган мажбуриятларини бажариш таъминоти тўлиқ ёки қисман тугатилган (тугатилган) тақдирда, лизинг олувчи бундай тугатилиш (тугатилиш) пайтидан бошлаб 5 календарь кун ичида лизинг берувчига дастлабки таъминотга ўхшаш лозим бўлган таъминотни тақдим этиши шарт.  |
| 15.9.      | Кўшимча таъминот  | Лизинг берувчи ўз ихтиёрига кўра лизинг олувчидан ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришнинг ушбу бўлимда кўрсатилганларидан ташқари кўшимча таъминотини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳолда лизинг олувчи лизинг берувчининг талабини олган пайтдан бошлаб 5 календарь кун ичида лизинг берувчига талаб қилинган таъминотни тақдим этиши шарт.  |
| 15.10.     | Кўшимча таъминот  | Ушбу бўлимда назарда тутилган мажбуриятларни бажариш таъминотининг ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун лизинг олувчи ушбу шартноманинг 18.3-бандига мувофиқ жавобгар бўлади.  |
| <b>16.</b> | <b>ЛИЗИНГ ОЛУВЧИНИНГ ШАРТНОМА БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИЛИШИНИ ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ</b> |  |
| 16.1.      | Лизинг олувчининг мажбуриятлари   | Ўзининг мулкчилик ёки эгалик (ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши, таъсисчилар, бошқарув органларидаги таркибий ўзгартиришлар ва бошқалар) шакли ўзгариши, қайта ташкил этилиши ёки фаолиятининг тўхтатилиши, шунингдек, жойлашган манзилининг ўзгариши, фаолият юритиши учун таъсир этувчи лицензия ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларининг бекор қилинганлиги, амал қилиш муддатлари тугаганлиги, тўхтатилганлиги, қарз олувчи билан алоқа ўрнатишда фойдаланадиган алоқа маълумотлари ҳамда алоқа усулларининг ўзгариши ҳақида кредиторни 10 кун аввал ёзма равишда хабардор қилади. |
| 16.2.      | Лизинг олувчининг мажбуриятлари   | Лизинг олувчи у томонидан умумий қиймати лизинг олувчи мол-мулкнинг 25% (йигирма беш фоизи) миқдоридаги суммадан ошадиган мол-мулкни бевосита ёки билвосита сотиб олиш ёки мусодара қилиш ёхуд сотиб олиш ёки мусодара қилиш имконияти билан боғлиқ битимлар ёки бир-бири билан алоқадор бир қанча битимлар, ёхуд лизинг олувчининг мажбуриятларини ушбу суммага кўпайишига олиб келадиган битимлар тузилганлиги ҳақида лизинг берувчига ёзма шаклда маълум қилиши шарт. Ушбу мажбурият кўрсатилган битимлар тўзилган пайтдан бошлаб 5 кун ичида бажарилиши лозим.                     |
| 16.3.      | Лизинг олувчининг мажбуриятлари   | Шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида лизинг олувчи лизинг берувчининг олдиндан билдирилган розилигисиз учинчи тарафлар билан бажарилиши ушбу шартноманинг шартларига зид бўлиши мумкин бўлган ёки лизинг олувчи томонидан ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни лозим даражада бажарилишига таҳдид соладиган ҳеч қандай келишувга келмаслиги керак.   |

|            |   |   |
|------------|---|---|
| 16.4.      | Лизинг олувчининг мажбуриятлари         | Лизинг олувчи ихтиёрий равишда сотувчи ва лизинг объектини танлаган ҳолда, лизинг тўловларни тўлашни кечиктириш ва лизинг объекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, топшириш кечиктирилган ёки лозим бўлмаган сифатда етказиб берилган тақдирда, лизинг объектдан воз кечиш ёки ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга эмас, кўрсатилган қоидабузарликлар лизинг берувчининг айбли ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида юзага келган ҳоллар бундан мустасно. |
| 16.5.      | Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари  | Мазкур шартнома асосида хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредит маблағлари ажратилган тақдирда, ушбу кредит маблағлари ҳисобига асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўзлаштирилиши ҳақидаги маълумотларни тўғридан-тўғри хорижий кредит сифатида тўлиқ ҳажмда амалдаги қонунларда белгиланган тартибда давлат статистика ҳисоботи шаклларида қатъий тартибда акс эттиради.   |
| 16.6.      | Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. | Кредитланаётган фаолиятни амалга оширилиши жараёнида экологик ва ижтимоий менежмент сиёсати талабларини амал қилиш мажбуриятини олади.  |
| <b>17.</b> | <b>ЛИЗИНГ ТЎЛОВЛАРИ</b>                 |   |
| 17.1.      | Лизинг тўловлари                        | Лизинг олувчи лизинг объектига ҳақиқатда эгалик қилиши ва фойдаланишидан қатъи назар ушбу шартноманинг бутун амал қилиш муддати мобайнида ушбу шартнома бўйича лизинг тўловларини ўз вақтида олиш ҳуқуқига эга бўлган лизинг берувчига даврий лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади. Ушбу шартнома бўйича лизинг тўловлари ўз ичига қуйидагиларни олади: лизинг берувчига лизинг объекти қийматининг тўлиқ тўланиши, лизинг бўйича мукофотлаш.                      |
| 17.2.      | Кўшимча хуражални қоплаш                | Лизинг объектини топшириш, уни фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган ва лизинг объекти қийматига қўшиладиган харажатларни лизинг олувчининг ёзма талабномасига асосан тўлаб беради.   |
| 17.3.      | Олдиндан тўлов                          | Лизинг берувчи банкида очилган депозит ҳисобрақамига, лизинг олувчи томонидан лизинг объекти тўловининг 3 (уч) ойлик тўлови миқдорида қуйилган маблағ муддатли мажбуриятномага асосан асосий қарз ва фоиз тўловларини тўлаш учун йўналтирилади.   |
| 17.4.      | Тўлов жадвали                           | Тарафлар шундай келишувга келишдики, ушбу шартнома бўйича барча лизинг тўловлари ҳажми бўйича ва муддатлари бўйича ушбу шартномага 2-сон иловада келтирилган лизинг тўловлари жадвалига кўра амалга оширилади. Тегишли лизинг тўловлари лизинг олувчи томонидан ушбу шартномага ____-сон иловада кўрсатилган тўловларнинг тегишли санасидан кечиктирмай амалга оширилади.   |
| 17.5.      | Лизинг тўловлари                        | Бир тўлов топшириқномаси билан лизинг тўловларини тўлаш чоғида тўлов мақсадида асосий қарз суммаси, фоизлар суммаси, шунингдек ушбу тўловлар қайси давр учун амалга   |

|            |  |   |
|------------|--|---|
|            |  | оширилишига кўра лизинг тўлови суммасининг ёйилмаси берилган бўлиши керак.  |
| 17.6.      | Лизинг тўловлари                         | Ушбу шартнома бўйича лизинг олувчи томонидан тўланадиган лизинг тўловларининг ҳар қандай суммаси тўловлар жадвалида белгиланган кетма-кетликда ҳисобга олинади.   |
| 17.7.      | Лизинг тўловини амалга оширилган сана    | Лизинг тўлови амалга оширилган сана бўлиб лизинг олувчининг ҳисобварағидан пул маблағларининг лизинг берувчининг ҳисобварағига келиб тушиш санаси ҳисобланади.  |
| 17.8.      | Лизинг тўловлари                         | Таъмирлаш ёки лизинг объектини алмаштириш натижасида, шунингдек бошқа ҳар қандай сабабга кўра лизинг объектининг бекор туриб қолган вақтида лизинг тўловлари тўлиқ суммада тўланади, бундай бекор туриб қолиш ёки алмаштиришга лизинг берувчининг айбли ҳаракатлари сабаб бўлган ҳоллар бундан мустасно.  |
| 17.9.      | Лизинг тўловларини муддатдан олдин тўлаш | Лизинг олувчи лизинг берувчининг ёзма розилиги билан лизинг тўловлари тўланмаган суммасининг барчасини ёки маълум бир қисмини муддатдан илгари тўлаш ҳуқуқига эга. Бунда лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси бутун бир муддати учун лизинг фоизларини лизинг берувчига тўлайди.   |
| 17.10.     | Лизинг объектини қисман топшириш         | Агар лизинг объектининг бир қисми аввалроқ етиб келса ва ундан асосий қисмидан ажралган ҳолда фойдаланиш имкони мавжуд бўлса, лизинг объектини ушбу қисмини топшириш-қабул қилиш далолатномаси орқали лизинг олувчига бериб алоҳида муддатли мажбуриятнома расмийлаштирилади.   |
| 17.11.     | Бошқа шартлар                            | Лизинг олувчи лизинг берувчидан ўзининг пул мажбуриятлари бажарилганлигини тасдиқлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.  |
| <b>18.</b> | <b>ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ</b>         |   |
| 18.1.      | Лизинг берувчининг жавобгарлиги:         | Лизинг олувчига лизинг берувчининг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) сабаб бўлган лизинг объектини топшириш муддати бузилган ҳоллар мустасно. Кейинги ҳолатда лизинг берувчи ҳар бир кечиктирилган кун учун ушбу шартнома қийматидан 0,4 фоиз миқдорида, бироқ 30 кундан кўп бўлмаган миқдордаги неустойка тўлайди.   |
| 18.2.      | Лизинг берувчининг жавобгарлиги          | Лизинг объектининг қабул қилиш амалга ошириладиган жойга, 5 кун муддатда лизинг берувчининг вакилига етиб келмаслиги тегишли ҳаракатларни бажаришни рад этиш деб қаралади ва лизинг олувчига ўз ихтиёрига кўра лизинг объектининг миқдори ва/ёки сифати бўйича қабул қилиш ёки лизинг берувчи ва сотувчи билан келишилган ҳолда лизинг объектини қабул қилиш санасини 10 суткадан ошмайдиган муддатга ўтказиш ҳуқуқи берилади. Кейинги ҳолатда лизинг берувчи энг кам иш ҳаққини 20 (йигирма) баробари миқдорида жарима кўринишида тўлайди. |
| 18.3.      | Лизинг олувчининг жавобгарлиги:          | Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловлари қайтариш жадвалида белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда, тўлов муддати ўтган кундан бошлаб, муддати ўтган лизинг суммага нисбатан белгиланган фоиз ставкаси 1,5 (бир бутун ўндан беш) баробарга оширилган ҳолда ҳисоблаб ундирилади.  |

|       |                                 |  |
|-------|---------------------------------|--|
|       |                                 | <p>Лизинг олувчи лизинг тўловларини ўз вақтида тўламаган ҳамда улар юзасидан муддати ўтган қарзлар юзага келган ҳолларда тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун банкка муддати ўтган лизинг қарздорлигига нисбатан 0,4 фоиз, муддати ўтган фоиз тўловларига нисбатан 0,4 фоиз миқдориди пеня тўлайди.</p> <p>Пеня лизинг олувчи томонидан муддати ўтказиб юборилган суммадан тўлов амалга оширилиши керак бўлган кундан, лизинг олувчи томонидан муддати ўтган мажбурият бажарилгунга қадар ҳисобланади. Ҳисобланган жами пеня миқдори бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган мажбуриятнинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.</p>   |
| 18.4. | Лизинг олувчининг жавобгарлиги: | <p>Лизинг олувчи томонидан ушбу шартнома бўйича ёки тарафлар ўртасидаги ушбу шартноманинг 20.3-бандида назарда тутилган асосларга кўра ушбу шартноманинг бекор қилиниши (тугатилиши)га олиб келган бошқа келишувлар бўйича ўз мажбуриятларидан бирортаси бузилган тақдирда, лизинг берувчи қуйидаги формула бўйича аниқланадиган лизинг тўловларининг қолган барча тўланмаган суммаларини талаб қилиш ҳуқуқига эга: лизинг тўловларининг тўлиқ суммаси минус талаб қўйилган пайтда лизинг олувчи томонидан ҳақиқатда тўланган лизинг тўловлари суммаси. Лизинг олувчи томонидан ҳақиқатда тўланган лизинг тўловлари суммасига у томонидан ушбу шартнома билан белгиланган жарима сифатида тўланган, шунингдек у томонидан лизинг тўловларининг ўз вақтида тўланиши бўйича муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеня сифатида тўланган суммалар киритилмайди. Бундай талабнинг қўйилиши лизинг олувчини муддати ўтказиб юборилган лизинг тўлови (тўловлари) бўйича қарзлар суммаси бўйича ҳисоблаб ёзилиши лозим бўлган пеняларни тўлаш мажбуриятидан озод этмайди.</p> |
| 18.5. | Неустойка тўловлари             | <p>Лизинг олувчи томонидан ушбу шартномада назарда тутилган шартларда ва муддатда лизинг объектини суғурталаш шартномаси тўзилмаган тақдирда, лизинг берувчи тегишли шартнома тўзилгунга қадар лизинг объектини сақлаб туриш ҳуқуқига эга.</p>   |
| 18.6. | Бошқа шартлар                   | <p>Лизинг олувчи томонидан ушбу шартномада назарда тутилган санадан бошлаб 10 сутка ичида суғурта ҳақининг киритилганлик ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, лизинг берувчи ўз ҳисобидан лизинг объектини суғурта қилдириш ва лизинг олувчидан суғурталаш билан боғлиқ барча харажатларни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда лизинг олувчи кўрсатилган харажатларни 5 кун муддатда тўлаш ва энг кам иш ҳаққи миқдорининг 5-баробари миқдориди неустойка тўлаш (жарима кўринишида) мажбуриятини олади.</p>  |
| 18.7. | Лизинг объектини суғурталаш     | <p>Лизинг олувчи томонидан ўз вақтида капитал таъмирлаш амалга оширилмаган тақдирда, лизинг берувчи ўз ихтиёрига кўра:</p>   |

|            |  |   |
|------------|--|---|
|            |  | <p>a) Шартномада назарда тутилган ёки кечиктириб бўлмайдиган зарурият сабаб бўлган капитал таъмирлашни амалга ошириш ва лизинг олувчидан таъмирлаш қийматини ундириш;</p> <p>b) Лизинг тўловлари суммасига тегишли ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.</p>  |
| 18.8.      | Лизинг объектини капитал таъмирлаш                               | Лизинг олувчининг айби билан лизинг объекти шикастланган ва ушбу шартноманинг 13.2-бандига мувофиқ лизинг олувчи ўзига олган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, лизинг берувчи ўз ҳисобидан лизинг объектини тиклаш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда лизинг олувчи лизинг берувчига барча амалга оширилган ҳаражатларни қоплаб бериш ва энг кам иш ҳаққи микдорининг 10-баробари микдорида жарима тўлаш мажбуриятини олади.  |
| 18.9.      | Лизинг объектини шикастланиши                                    | Лизинг олувчи томонидан ушбу шартноманинг 19.2-бандига мувофиқ лизинг объектини қайтариш бўйича мажбурият бузилган тақдирда, лизинг олувчи лизинг берувчидан лизинг объектини қайтариш тўғрисида талабнома олганидан сўнг, лизинг объекти лизинг олувчининг эгалигида бўлган давр мобайнида ҳар бир кун учун энг кам иш ҳаққи микдорининг 2-баробари микдорида неустойка тўлаш мажбуриятини олади.  |
| 18.10.     | Бошқа шартлар  | Лизинг олувчи лизинг берувчига билдирилиши мумкин бўлган барча талаблар ва даъволарга, жумладан лизинг объектини жойлаштириш, сақлаш, тутиб туриш, фойдаланиш ва қайтариш жараёнида одам ёки одамлар гуруҳи томонидан етказилган ҳар қандай зарар ёки шикастланиш хусусидаги зарар, суд ҳаражатлари, адвокатлар хизматига ҳақ тўлаш ва ҳ.к.ларни тўлаш бўйича жавобгар бўлади.  |
| <b>19.</b> | <b>ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИ ҚАЙТАРИШ, ОЛИБ ҚЎЙИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ</b> |   |
| 19.1.      | Лизинг объектини қайтариш  | Лизинг олувчи томонидан ушбу шартноманинг 20.3-банди а), б), в), г), д), е) кичик бандларида кўрсатилган шартлар бузилган тақдирда ёки тарафлар ўртасидаги бошқа келишувлар бўйича, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёки ушбу шартномада назарда тутилган бошқа вазиятларда лизинг объекти лизинг берувчининг талабига кўра лизинг олувчи томонидан лизинг берувчинингга қайтарилади.   |
| 19.2.      | Лизинг объектини қайтариш шартлари                               | Лизинг олувчи томонидан лизинг берувчининг лизинг объектини қайтариш тўғрисидаги талабномаси олинганда, лизинг олувчи лизинг берувчининг ихтиёрига кўра ёки лизинг объектини ҳақиқатда жойлашган жойида лизинг берувчининг вакилига топшириш йўли билан лизинг объектини кечиктирмай қайтариши ёхуд талабнома олинган пайтдан бошлаб 10 (ўн) муддат ичида лизинг объектини агарда, лизинг берувчининг талабномасида бошқа манзил кўрсатилмаган бўлса, лизинг берувчининг ушбу шартномада кўрсатилган манзилига етказиши шарт. |



|       |   |   |
|-------|---|---|
| 19.3. | Лизинг объектини қайтариш далолатномаси         | Лизинг объектининг миқдори бўйича қайтарилиши тарафлар томонидан имзоланган қайтариш далолатномаси билан расмийлаштирилади.   |
| 19.4. | Лизинг объектини сотиб олиш ҳуқуқини йўқотилиши | Лизинг олувчи лизинг объектини лизинг берувчининг эгаллигига қайтарган пайтдан бошлаб ушбу шартномада назарда тутилган лизинг объектини сотиб олиш ҳуқуқини йўқотади (назарда тутилган сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлиб ҳисобланади). Бундай сотиб олиш ҳуқуқи лизинг берувчининг ёзма розилиги мавжуд бўлгандагина лизинг олувчи учун сақланиши мумкин.  |
| 19.5. | Лизинг объектини олиб қўйиш                     | Лизинг объектини лизинг олувчининг эгаллигидан олиб қўйиш тартиби ва асоси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ белгиланади. Лизинг берувчи лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларининг учдан икки қисми тўланган ҳоллардан ташқари бошқа ҳолатларда ёки лизинг олувчи томонидан ушбу шартноманинг 20.3-банди а), б), в), г), д), е) кичик бандларида кўрсатилган шартлар бузилган ҳолларда нотариуснинг ижро ёзувига мувофиқ нотариал тартибда шубҳасиз олиб қўйиш ҳуқуқига эга.                                    |
| 19.6. | Лизинг объектини олиб қўйиш                     | Лизинг объекти қайтарилган ёки олиб қўйилган ҳолда лизинг объектини унинг сақланиш жойигача жойлаштириш ушбу шартноманинг 20.7-бандида кўрсатилган ҳоллардан ташқари лизинг олувчининг ҳисобидан амалга оширилади.  |
| 19.7. | Лизинг объектини олиб қўйиш шартлари            | Лизинг объектининг қайтарилиши ёки олиб қўйилиши лизинг олувчини ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар, шу жумладан лизинг тўловларини тўлаш, неустойка (жарима, пеня) тўлаш, ҳам лизинг объектига, ҳам лизинг берувчига етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаш бўйича мажбуриятларни бажариш заруриятидан озод этмайди.  |
| 19.8. | Қайтарилган лизинг объектини баҳолаш            | Қайтарилган ёки олиб қўйилган лизинг объекти ҳолатининг мувофиқлигини баҳолаш учун лизинг берувчининг ихтиёрига кўра мустақил баҳоловчи ташкилот (кейинги ўринларда - баҳоловчи) жалб қилиниши мумкин. Баҳоловчи лизинг объекти эркин бозорда дарҳол сотилиши мумкин бўлган қиймат (кейинги ўринларда лизинг объектининг баҳоси)ни аниқлайди. Баҳоловчини танлаш лизинг берувчи томонидан бир тарафлама тартибда мустақил амалга оширилади. Лизинг объектининг баҳоси баҳоловчи томонидан ўз ҳисоб-китоб усуларини қўллаган ҳолда аниқланади. |
| 19.9. | Қайтарилган лизинг объектини баҳолаш            | Баҳоловчининг хизматига ҳақ тўлаш билан боғлиқ ҳаражатлар лизинг олувчига юклатилади. Баҳоловчининг хизматига лизинг берувчи томонидан ҳақ тўланган тақдирда, лизинг олувчи лизинг берувчининг талабига кўра тўловга ҳисобварақ (ҳисобварақ-фактура) олган пайтдан бошлаб 5 кун ичида баҳоловчининг хизматига ҳақ тўлаш бўйича амалга оширилган ҳаражатларни тўлиқ ҳажмда тўлаши, шу жумладан ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиғини тўлаши шарт.   |

|            |   |  |
|------------|---|--|
| 19.10.     | Лизинг объектини олиб қўйиш шартлари        | Лизинг берувчи томонидан лизинг объекти тузилган лизинг шартномасининг 20.3-бандига асосан олиб қўйилган тақдирда лизинг олувчига лизинг объекти учун аванс сифатида тўланган маблағлар лизинг объектини эскириш қиймати, лизинг объектдан фойдаланган ҳолда топилган даромади, давлат божи, суд ҳаражатлари ва бошқа қилинган қўшимча ҳаражатлар чегирилган ҳолда қайтариб берилади.  |
| 19.11.     | Лизинг объектини олиб қўйиш шартлари        | Лизинг олувчи томонидан лизинг объектининг умумий қийматини қоплаш ҳисобига тўланган лизинг тўловлари чегирилган ҳолда лизинг объекти умумий қиймати лизинг объекти баҳосидан ошган тақдирда, лизинг олувчи лизинг берувчининг талабига кўра бундай талабнома олган пайтдан бошлаб 5 кун ичида фарқ суммасини тўлаши шарт.   |
| <b>20.</b> | <b>ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ</b> |  |
| 20.1.      | Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар         | Ушбу шартнома тарафларнинг келишувига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Ушбу ҳолатда шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тўзилиши керак.   |
| 20.2.      | Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар         | Тарафлардан бирининг талабига кўра ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва/ёки ушбу шартномада назарда тутилган ҳолларда муддатидан олдин ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.   |
| 20.3.      | Шартномани бекор қилиниши                   | Ушбу шартнома қуйидаги ҳоллардан бирортаси содир бўлган тақдирда, ушбу бекор қилиниш келтириб чиқарган бирор-бир зарар лизинг олувчига қопланмасдан, лизинг берувчининг талабига кўра бекор қилиниши мумкин:<br>a) Агар лизинг олувчи лизинг объектини сезиларли даражада ёмонлаштира;<br>b) Агар лизинг олувчи лизинг берувчининг бундай ҳаракатларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма огоҳлантиришига қарамасдан, ушбу шартнома шартларини ёки лизинг объектининг вазифасини бўзган ҳолда лизинг объектдан фойдаланса;<br>c) Агар лизинг олувчи шартномада белгиланган тўлов муддати мобайнида бир йўла икки ва ундан кўп марта шартнома бўйича лизинг тўловларини тўламаса;<br>d) Агар лизинг олувчи ушбу шартнома шартларини бузса;<br>e) Агар лизинг олувчининг фаолияти тўхтатилса ёки тугатилса ёхуд лизинг олувчининг банкротлиги, тугатилиши хавфи пайдо бўлса;<br>f) Агар лизинг олувчига суд даъвоси қўзғатилса ёки лизинг олувчининг мулки хатга олинса. |
| 20.4.      | Шартномани бекор қилиниши                   | Ушбу шартноманинг 20.3-бандида келтирилган ҳоллардан бирортаси содир бўлган тақдирда, лизинг берувчи лизинг олувчига ушбу бекор қилиниш туфайли келиб чиқадиган бирор-бир зарарни тўламасдан шартномани бажаришдан тўлиқ ёки қисман бир тарафлама воз кечиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳолатда лизинг берувчи лизинг олувчини шартномани бажаришдан бир  |

|            |  |   |
|------------|--|---|
|            |  | тарафлама воз кечиш ҳақида бундай воз кечиш содир бўлгунга қадар 10 кундан кечиктирмай хабардор қилиши (огоҳлантириши) шарт.  |
| 20.5.      | Шартномани суд тартибида бекор қилиш           | Қуйидаги ҳолатларда лизинг олувчининг талабига кўра ушбу шартнома суд тартибида бекор қилиниши мумкин:<br>а) Агар лизинг берувчи ушбу шартноманинг шартларига мувофиқ лизинг объектдан асоссиз равишда фойдаланишга тўсқинлик қилса;<br>б) Агар лизинг берувчи лизинг объектини топширмаса ёки лизинг объектини топшириш муддатини бузса;   |
| 20.6.      | Шартномани бекор қилиниши                      | Ушбу шартноманинг 20.1 ва 20.3-бандларига мувофиқ шартнома бекор қилинган (тугатишган) тақдирда, лизинг олувчи ушбу шартномада назарда тутилган лизинг объектини сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланмаган деб ҳисобланади ва лизинг берувчининг биринчи талаби билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ лизинг объектини ўз ҳисобидан лизинг берувчига ушбу шартномада назарда тутилган тартибда ва шартларда қайтариб бериши шарт.   |
| 20.7.      | Шартномани бекор қилиниши                      | Ушбу шартноманинг 20.5-банди а) кичик бандига мувофиқ шартнома бекор қилинган тақдирда, лизинг олувчи ушбу шартномада назарда тутилган лизинг объектини сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланмаган деб ҳисобланади ва лизинг берувчининг биринчи талаби билан лизинг объектини лизинг берувчига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, ушбу шартномада назарда тутилган тартибда ва шартларда қайтариб бериши шарт. Бунда лизинг объектини қайтариш билан боғлиқ барча ҳаражатлар лизинг берувчига юклатилади. |
| 20.8.      | Шартномани бекор қилиниши                      | Лизинг олувчи ушбу шартнома бекор қилинган (тугатишган)дан сўнг лизинг объекти қайтарилмаган тақдирда, унинг лизинг объектига кейинчалик эгаллик қилиши ноқонуний ҳисобланиши ва лизинг олувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бегона мулкнинг ноинсоф эгаси деб тан олинishi хабардор қилинди.  |
| 20.9.      | Шартномани бекор қилиниши                      | Лизинг берувчининг лизинг объектини транспортда ташиш, лизинг олувчига топшириш жойигача етказиш ва уни тушириш бўйича ҳаражатлари, шунингдек лизинг объектини сотиб олиш ва уни лизинг олувчига топшириш билан боғлиқ бошқа ҳаражатлари кўпайган (камайган) тақдирда, лизинг объектининг умумий қиймати лизинг берувчи томонидан бундай ҳаражатлар суммасига ўзгартирилиши мумкин.   |
| <b>21.</b> | <b>ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ</b> |   |
| 21.1.      | Лизинг берувчининг ҳуқуқлари                   | Лизинг олувчининг лизинг объектдан қандай шароитларда фойдаланаётганлигини ва уни белгиланган мақсадга мувофиқ ишлатаётганлиги, лизинг шартномаси шартларига ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ назорат қилиш, лизинг олувчининг розилиги билан лизинг объекти ва уни сотувчисини танлаш, қонун ҳужжатларида ёки лизинг шартномасида назарда  |

|       |                                  |   |
|-------|----------------------------------|---|
|       |                                  | тутилган ҳолларда ва тартибда лизинг олувчидан лизинг объектини талаб қилиб олиш, лизинг олувчи лизинг шартномасини жиддий тарзда бўзган тақдирда барча лизинг тўловларини муддатидан илгари тўлашни ёхуд етказилган зарарни ундириб ва (ёки) лизинг объектини қайтиб олган тарзда шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин.  |
| 21.2. | Лизинг берувчининг ҳуқуқлари:    | Лизинг берувчи томонидан мониторинг давомида лизинг таъминоти мажбуриятни қоплашга етарли эмас деб топилган тақдирда, қарздор томонидан лизинг берувчига лизинг таъминоти сифатида қўшимча гаров талаб қилишга ҳақли.   |
| 21.3. | Лизинг берувчининг мажбуриятлари | Лизинг шартномаси бўйича мол-мулкни олиши ва уни лизинг олувчига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун бериши, лизинг олувчи учун мол мулк олаётганда мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мулжалланганлигини сотувчига маълум қилиши, лизинг объектини, агар шартномада шундай шартлар назарда тутилган бўлса, сақлаб туриш, таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш бўйича лизинг олувчи олдида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши шарт.  |
| 21.4. | Лизинг олувчининг ҳуқуқлари      | Лизинг олувчи лизинг объекти ва уни сотувчисини мустақил равишда танлаш, лизинг берувчидан лизинг шартномасини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш, сотувчига лизинг объекти олди-сотди шартномасидан келиб чиқиб унинг сифати ва бутлиги топшириш муддати, кафолати, лизинг объекти етказиб берилмаган тақдирда, етказиб берилган лизинг объектидан воз кечиш, лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, ўзи аванс сифатида тўлаган тўловларни лизинг объектидан фойдаланишдан олган фойданинг қиймати, зарарлар ва башқа харажатларни чегириб ташлаган ҳолда қайтариб беришни талаб қилиши мумкин. |
| 21.5. | Лизинг олувчининг мажбуриятлари  | Лизинг берувчи томонидан мониторинг давомида лизинг таъминоти мажбуриятни қоплашга етарли эмас деб топилган тақдирда, қарздор томонидан лизинг берувчига лизинг таъминоти сифатида қўшимча гаров тақдим қилади.   |
| 21.6. | Лизинг олувчининг мажбуриятлари  | Агар лизинг ва унга боғлиқ лизинг олувчининг барча мажбуриятларни қайтарилиши муаммога айланиб, лизинг таъминоти учун қўйилган мулк қарздорликни ундириш учун етарли бўлмаса қарздорликни ўзининг бошқа ликвидли мол-мулклари ҳисобидан қайтарилишини таъминлайди.  |
| 21.7. | Лизинг олувчининг мажбуриятлари  | Лизинг тўловларини ўз вақтида тўлов жадвалига асосан қайтариб боришни таъминлайди.  |
| 21.8. | Лизинг олувчининг мажбуриятлари  | Лизинг объектини қабул қилиб олиши ва ундан лозим даражада фойдаланиши, уни шартнома шартларига мувофиқ сақлаб туриши, лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаб бориши, лизинг объектини ўз ҳисобидан жорий тамирлаши, уни сақлаб туриши, лизинг шартномаси бекор қилинганда лизинг олувчи лизинг  |

|            |   |  |
|------------|---|--|
|            |   | объектини лизинг берувчидан қандай ҳолатда олинган бўлса, шундай ҳолатда, нормал эскиришини ҳисобга олган ҳолда қайтариши, лизинг объекти сотувчи томонидан етказиб берилмаган тақдирда, лизинг олувчи томонидан тўлаб берилган маблағларни тўлаб беришн мажбуриятини ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин.  |
| <b>22.</b> | <b>ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАВФЛАР</b>                |  |
| 22.1.      | Лизинг объекти билан боғлиқ хавфлар                       | Лизинг объекти билан боғлиқ барча хавфлар, шу жумладан унинг тасодифий йўқолиши ёки тасодифий бузилиши, шунингдек ўғирланиши, барвақт эскириши, шикастланиши хавфлари лизинг шартномасида назарда тутилган тартибда лизинг олувчига ўтади. Хавфлар лизинг олувчига ўтган дақиқадан эътиборан лизинг олувчи лизинг объекти ҳар қандай тарзда йўқотилиши ёки шикастланиши учун лизинг шартномаси амал қиладиган муддат давомида жавобгар бўлади.   |
| 22.2.      | Лизинг объекти билан боғлиқ хавфлар                       | Агар хавфлар лизинг берувчидан лизинг олувчига ўтадиган вақт лизинг шартномасида белгиланган бўлмаса, хавфлар лизинг олувчига у лизинг объектини олган дақиқа(топшириш-қабул қилиш)дан эътиборан ўтади.  |
| 22.3.      | Лизинг объекти билан боғлиқ хавфлар                       | Агар таклиф этилган лизинг объекти лизинг шартномасига мос келмаса ва бу лизинг олувчига лизинг объектидан воз кечиш ҳуқуқини берса, анна шундай номувофиқлик бартараф этилгунга қадар ёки лизинг олувчи лизинг объектини олгунга қадар барча хавфлар лизинг берувчи зиммасида бўлади.   |
| <b>23.</b> | <b>ШАРТНОМА ТУГАТИЛГАНДАГИ ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИНГ ТАҚДИРИ</b> |  |
| 23.1.      | Лизинг объектига эғалик ҳуқуқини лизинг олувчига ўтиши    | Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, лизинг олувчи томонидан ушбу шартномада назарда тутилган лизинг тўловларининг тўлиқ суммаси ва лизинг объектининг сотиб олиш баҳосининг тўланиши шарти билан лизинг объектига эғалик ҳуқуқи лизинг олувчига ўтади. Тарафлар лизинг объектининг сотиб олиш қиймати _____ сумни ташкил қилади деган келишувга келишди.   |
| 23.2.      | Лизинг объектига эғалик ҳуқуқини лизинг олувчига ўтиши    | Лизинг олувчи ушбу шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар ____-сон иловага мувофиқ белгиланадиган лизинг тўловларининг тўлиқ суммаси ва лизинг объектини сотиб олиш баҳосини тўлаш ҳуқуқига эга. Бунда лизинг берувчи лизинг олувчидан муддатидан олдин тўловлар учун ҳақ талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас. Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларининг тўлиқ суммаси ва лизинг объектини сотиб олиш баҳоси муддатидан олдин тўланган тақдирда, лизинг объектига эғалик ҳуқуқи лизинг олувчига ўтади. |
| <b>24.</b> | <b>БОШҚА ШАРТЛАР</b>                                      |  |
| 24.1.      | Маълумотларни тақдим этиш                                 | Лизинг олувчининг тегишли сўрови банкда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида лизинг олувчи томонидан берилган ариза ва унга лизинг объекти топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда лизинг  |

|        |                                 |   |
|--------|---------------------------------|---|
|        |                                 | олувчининг талаби билан бир иш куни ичида кредит шартномалари бўйича истеъмолчи томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади.   |
| 24.2.  | Коррупцияга қарши курашиш       | Томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда иккинчи томоннинг қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар таклиф қилиши, бериши, тақдим этиши тақиқланади.   |
| 24.3.  | Коррупцияга қарши курашиш       | Томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида шартноманинг бошқа иштирокчилари томонидан бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар тақдим этиш бўйича таклифини рад қилиши лозим.  |
| 24.4.  | Коррупцияга қарши курашиш       | Агар шартнома иштирокчиларида ушбу шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ коррупцион ҳаракат содир этилганилиги тўғрисида маълумот, шубҳа, шубҳага асос бўлувчи далилга эга бўлса, бу тўғрисида иккинчи томонга ёзма шаклда хабар бериш мажбуриятини олади.   |
| 24.5.  | Коррупцияга қарши курашиш       | Хабарни олган томон ҳақиқатда коррупцион ҳаракат содир этилмаганлигини ёки содир этилмаслиги тўғрисида тасдиққа эга бўлгунича ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.  |
| 24.6.  | Коррупцияга қарши курашиш       | Пора бериш эвазига иккинчи томон вакилини, аффилиланган шахсини, ходимини ёки шартноманинг бошқа иштирокчиларини шартнома шартларини бажаришда ўзига оғдириб олган томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятини олади.   |
| 24.7.  | Харажатларни тўлаш              | Лизинг олувчи шартнома ва шартномаларни тайёрлашга ҳамда бажаришга алоқадор бўлган ва лизинг олувчининг лизинг мажбуриятларини бажаришни таъминлаш учун қилинган барча харажатларни тўлашни ўз зиммасига олади.   |
| 24.8.  | Харажатларни қоплаш             | Мажбуриятларини бузган тараф шартномада кўзда тутилган жавобгарликка қўшимча равишда бошқа тарафга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.   |
| 24.9.  | Лизинг олувчининг жавобгарлиги  | Лизинг олувчи шартнома бўйича пул мажбуриятлари лозим даражада бажарилишига барча мол-мулки, активлари ва лизинг олувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятлари тўлиқ ёки қисман бажарилмаганида ҳақиқий қарздорлик суммасини ундириш қаратилиши мумкин бўлган банклардаги ҳамма ҳисобварақларидаги маблағлари, шунингдек, шартнома бажарилиши билан боғлиқ барча харажатлар, шу жумладан суд ва бошқа харажатлар учун жавобгар бўлишини тасдиқлайди ва кафолат беради. |
| 24.10. | Кредит таъминоти сифатида турар | Гаров предмети сифатида тақдим этилган бирдан-бир турар жой фақат суд тартибида ундирилади ва у оммавий савдолар орқали   |

|        |   |  |
|--------|---|--|
|        | жой тақдим этилиши  | реализация қилинади (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).  |
| 24.11. | Шартнома нусхалари  | Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, шартноманинг бир нусхаси лизинг берувчида, иккинчи нусхаси лизинг олувчида сақланади. Лизинг олувчи ёки унинг ваколатли вакилига лизинг шартномаси имзоланган кунда шартноманинг битта асл нусхасини тақдим этилади.   |
| 24.12. | Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш                                 | Шартномага киритилаётган барча ўзгариш ва қўшимчалар ёзма шаклда шартномага тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги келишувни тузиш орқали расмийлаштирилади.  |
| 24.13. | Шартномани жиддий бузиш ва шартномани муддатидан олдин бекор қилиш асослари | <p>Лизинг олувчи томонидан қуйидаги ҳолатлардан ҳеч бўлмаса биттасига йўл қўйилган тақдирда шартномани жиддий бузиш деб ҳисобланади ва бунда банк шартномани муддатидан олдин бекор қилиши ҳамда лизинг ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтариб олиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>a) Бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилмаслиги, белгиланган пул тушумларининг бизнес режа кўрсаткичларига мувофиқ эмаслиги;</li> <li>b) Лизинг олувчи ёки кафилнинг молиявий ҳолати ёмонлашганлиги;</li> <li>c) Банк розилигисиз учинчи шахсларга кафиллик ёки кафолат берилиши;</li> <li>d) Банк розилигисиз бошқа банк ёки хўжалик юритувчи субъектлардан қарз ва бошқа мажбуриятларнинг олиниши;</li> <li>e) Таъминот ҳолатининг ёмонлашиши, унинг ўғриланиши, талон-торож қилиниши, ликвидлигининг пасайиши, бозор конъюктураси нархларининг камида 25 фоизга пасайиб кетиши ёки бошқача ҳолатлар натижасида кредит таъминланмай қолиш хавфининг вужудга келиши, башарти таъминотни ўзгартириш ёки қўшимча таъминот тақдим этиш бўйича банк талабининг бажарилмаслиги;</li> <li>f) Лизинг мониторингидан бўйин товлашлик ёки банк ходимлари (жалб қилинган мутахассислар)ни мониторинг ўтказишига ҳар қандай усуллар билан тўсқинлик қилиши;</li> <li>g) Банкка ушбу шартномада назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этмаслиги ёки ҳаққоний бўлмаган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тақдим этилиши;</li> <li>h) Лизинг ва унга ҳисобланган фоизларни шартномада белгиланган муддатдан 30 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилиши;</li> <li>i) Лизинг ва унга ҳисобланган фоизларни мунтазам равишда кечиктириб тўланиши, яъни ўн икки ой давомида мазкур шартноманинг ажралмас қисми</li> </ul> |

|        |  |  |
|--------|--|--|
|        |  | <p>ҳисобланган қайтариш жадвалида қайд этилган тўлов муддатини уч ва ундан ортиқ маротаба бузилиши;</p> <p>j) Лизинг олувчи фаолиятни амалга оширилиши жараёнида экология талабларининг бузилганлиги;</p>  |
| 24.14. | Таваккалчилик  | Қарз олувчининг хорижий валютада лизинг олишга бўлган танлови ва бундай танловга кўра хорижий валюта курсининг ўзгариши натижасида хорижий валютада олинган лизинг бўйича миллий валютадаги қарз юкининг ошиши билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган оқибатлар, ушбу лизинг олувчининг таваккалчилиги ҳисобланади.  |
| 24.15. | Низоларни ҳал қилиш тартиби                          | Шартнома шартларини бажариш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал этилади, музокара йўли билан ҳал этилмаган масала юзасидан суд органларига мурожаат этилади.  |
| 24.16. | Тарафлар томонидан жўнатиладиган хабарнома ва хатлар | Тарафлар томонидан бир-бирига жўнатиладиган ҳар қандай хабарнома ёки бошқа хатлар ёзма шаклда амалга оширилиши шарт. Бундай хабарнома ёки хат почта, хабарномани олганини тасдиқловчи буюртма хат, факс, электрон манзил орқали почта ва электрон манзилга ёки шартномада кўрсатилган факс рақамига йўлланган хабарномалар лозим даражада жўнатилган деб ҳисобланади. Почта хабари/хати почтадан кўрсатилган манзилда олувчи шахс йўқлиги туфайли белгиси билан қайтарилган ҳолларда ҳам жўнатилган, деб ҳисобланади.  |
| 24.17. | Махфийлик  | <p>Шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.</p> <p>Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади.</p> <p>Мазкур талаб шартноманинг амал қилиш муддатига ҳамда шартнома муддати тугаган вақтдан бошлаб 3 йил давомида амал қилади.</p> <p>Ушбу талабларни бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча зарарни тўлиқ ҳажмда қоплайди.</p> <p>Кредитор ўз ҳуқуқлари ва манфаатлари ёки уларни ҳимоя қилиш мақсадида лизинг олувчи кредиторга лизинг олувчи тўғрисидаги ҳар қандай маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этиш (топшириш) учун сўзсиз розилигини билдирган ҳисобланади.</p> <p>Лизинг олувчи кредиторга шартномада кўрсатилган ёки шартнома тузилиши ва бажарилишида кредиторга тақдим этилган лизинг олувчининг барча маълумотлари билан ишлаш ва топширишга мазкур шартномага асосан розилигини тасдиқлайди. Шу жумладан, шартнома бўйича ҳуқуқий ворислик тартибида кредиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бошқа шахсга ўтганда, уларни учинчи шахсга топширишга ҳам розилик беради. Кафил ва ёки мулкӣ кафил бундай маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш лизинг</p> |



|        |                            |   |
|--------|----------------------------|---|
|        |                            | олувчининг қонун билан муҳофаза қилинадиган банк ва бошқа сирларининг бузилиши бўлиб ҳисобланмаслигига мазкур шартномага биноан розилигини билдирган ҳисобланади.   |
| 24.18. | Форс-Мажор                 | <p>Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси, хохиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар), халқаро, банклараро ва банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидаги носозлик, банкнинг дастурий таъминот тизимига қилинган тахдид (учинчи шахслар томонидан қилинган ҳужумлар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир.</p> <p>форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунигача қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.</p> <p>Юзага келган форс-мажор ҳолатлари ҳақида ҳамда ушбу ҳолатлар яқунланганлиги ҳақида тараф ушбу ҳолатлар юзага келган ёки бартараф этилган вақтдан бошлаб, 3 банк куни ичида бу ҳақда иккинчи тарафни ёзма равишда хабардор қилиши лозим.</p> <p>Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки бартараф этилганлиги ҳақидаги хабарномалар тарафларда мавжуд бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин (смс ва mms хабарлари бундан мустасно).</p> <p>Форс-мажор ҳолатлари 30 кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда тарафлар ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли бўладилар.</p> <p>Юзага келган форс-мажор ҳолатлари бартараф бўлгандан сўнг, мазкур шартнома шартлари тўлиқ ўз кучига эга бўлади.</p> |
| 24.19. | Низоларни ҳал этиш тартиби | <p>Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар.</p> <p>Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳуқуқи бузилган тараф томонидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи тараф мазкур талабнома ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим.</p> <p>Талабнома ёки огоҳлантириш хатини тарафга шахсан топшириш, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалга оширилади.</p> <p>Тинч йўл билан ҳал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.</p>   |

|   |  |  |
|---|--|--|
| 24.20.  | Қўлланиладиган ҳуқук ва уни қўллаш                     | Шартнома бажарилишида тарафлар мазкур шартнома шартларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига таянишади.  |
| <b>25.</b>  | <b>ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ</b>                 |  |
| 25.1.   | Шартноманинг амал қилиш муддати                        | Шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва тарафлар томонидан мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.  |
| <b>26.</b>  | <b>ТАРАФЛАРНИНГ ҚАЙД ЭТИШ МАЪЛУМОТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ</b> |  |
| 26.1.   | Тарафларнинг қайд этиш маълумотлари ва имзолари        | Тарафларнинг қайд этиш маълумотлари ва имзолари  |
| <b>Лизинг берувчи</b>   |  | <b>Лизинг оловчи</b>   |
| <p>_____</p> <p><b>Манзили</b> _____</p> <p>_____</p> <p><b>МФО</b> _____ <b>ИНН</b> _____</p> <p>х\р _____</p> <p><b>Банк</b> _____</p> <p><b>Телефон</b> _____</p> <p><b>Алоқа маркази 0 800 1 200 200</b></p> <p><b>E-mail: contact@hamkorbank.uz</b></p> <p><b>Банк вакили</b> _____</p> <p style="text-align: center;"><b>М.Ў.</b></p> |  | <p>_____</p> <p><b>Манзили</b> _____</p> <p>_____</p> <p><b>МФО</b> _____ <b>ИНН</b> _____</p> <p>х\р _____</p> <p><b>Банк</b> _____</p> <p><b>Телефон</b> _____</p> <p><b>Раҳбари</b> _____</p> <p><b>Бош ҳисобчиси</b> _____</p> |